

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

---

2002 йил 10 апрель

Тошкент шаҳри

## “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси тўртинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раис Б.Эшонов, судьялар Б. Мирбобоев, У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси тўртинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида”ги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала “Prezumtsiya” адвокатлик фирмаси адвокати К.Музаффаровнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар Б.Мирбобоев, У.Бозоров ва Г.Пиржановнинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья Б. Мирбобоевнинг ахборотини, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсатининг раиси С. Ёқубов, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси С. Мирсафоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари С. Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосари Ш. Рўзиназаров, Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий маориф тарғибот марказининг директори Ғ. Абдумажидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари М. Гасанов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармасининг бошлиғи Х. Содиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юридик бўлимининг мудир А.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг консультанти Ҳ. Исоқов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А. Холмаҳматовнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига “Prezumtsiya” адвокатлик фирмаси адвокати К.Ж. Музаффаров “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси тўртинчи қисмига расмий шарҳ беришни сўраб мурожаат этган.

Мазкур норманинг маъносини турлича тушуниш уни шарҳлаш зарур деган хулоса чиқариш имконини беради.

62-модда тўртинчи қисмининг мазмуни қуйидагилардан иборат: “Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақланиб қолади”.

К.Музаффаровнинг фикрича, агар халқ маслаҳатчиси судда бўлишининг ана шу икки ҳафталик муддатни ўтаган бўлса, у ўша йилда бошқа ишни кўришда қатнашишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан яқка тартибда кўрилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Жиноят-процессуал кодексининг 76-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда халқ маслаҳатчиси жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:

1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки Жиноят-процессуал кодекси 76-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Шу модданинг иккинчи қисмида белгиланганидек, судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмайди.

Ўша модданинг учинчи қисмига мувофиқ, биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда

иштирок этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди.

Амалдаги қонунларни таҳлил қилишда Конституциявий суд қуйидагиларга асосланди:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 7-моддасининг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши белгилаб қўйилган;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 107-моддасининг иккинчи қисми судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланишини назарда тутди;

3) Жиноят-процессуал кодексининг 30-моддасида жиноят ишини кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашишлари белгилаб қўйилган;

4) Жиноят-процессуал кодекси 13-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар; улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар;

5) Жиноят-процессуал кодексининг 76-моддаси судья (халқ маслаҳатчиси), прокурор, терговчи, суриштирувчи ва суд мажлисининг котиби ишда иштирок этишини истисно этадиган бир қатор ҳолатларни белгилайди;

Шу боис Жиноят-процессуал кодекси 80-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган тартибда судьяни ёки халқ маслаҳатчисини рад қилиш ҳуқуқини шу кодекснинг 76-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан бирортаси мавжуд бўлгандагина амалга ошириш мумкин.

Халқ маслаҳатчиларининг судлардаги вазифаларини бажариш учун навбатма-навбат тартибда бўлиши муддатини белгилар экан, бу билан қонун чиқарувчи уларнинг жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишга доир ваколатларини чекламайди. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси биринчи қисмига мувофиқ халқ маслаҳатчиси икки ярим йил муддатга сайланади.

Баён қилинганларга асосланиб ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 1, 9, 25, 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

### **қ а р о р қ и л д и:**

1. Тушунтириб берилсинки, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси биринчи қисмига мувофиқ халқ маслаҳатчисининг ваколатлари муддати икки ярим йил этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 30-моддасига биноан жиноят ишини

кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадилар.

2. Таъкидлаб ўтилсинки, Жиноят-процессуал кодекси халқ маслаҳатчисининг судда йилига икки ҳафтадан ортиқ иштирок этишини унинг шу йил бошқа жиноят ишини юритишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолат сифатида назарда тутмаган. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчисининг судда йилига икки ҳафтадан ортиқ иштирок этиши уни рад қилиш учун асос бўлмайди.

3. Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судига “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси тўртинчи қисмини судлар томонидан қўлланиши амалиётини ўрганиб чиқиш ва тегишли тушунтиришлар бериш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**